

# 2017 ЙИЛ - «ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ»

## ИНСОН МАНФААТИ ДОИМО УСТУН

Ким билан бамаслаҳат иш тутишимиз керак – аввало халқимиз билан. Шунда халқимиз биздан рози бўлади.

**Шавкат Мирзиёев**  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Актам ХАЙТОВ**

*“Ўзстандарт” агентлиги бош директори*

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида 2017 йилни “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” дея эълон қилар экан, барчанинг олдида турган бош масала шу юртнинг энг катта бойлиги, яратувчиси бўлмиш халқимиз билан яқин мулоқотда бўлмоқ, уларнинг ташвишларига елкадош бўлиш ҳар бир ташкилот, идора, раҳбар олдида турган вазифа эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Юртбошимиз республикамиз вилоятларига ташрифи чоғида биринчи галда халқ билан мулоқотда бўладилар. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро вилоятларида бўлганларида оддий аҳоли хонадонларида бўлиб, оилаларнинг яшаш шароити, турмуш тарзи билан қизиқар эканлар, томорқадан фойдаланган ҳолда маҳсулот етиштириш, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш, кичик корхоналар ташкил этиш учун имкониятлар яратиб берилаётгани тўғрисида ўз кўрсатма ҳамда таклифларини берди. Оилавий бизнесни бошлаш учун эса тижорат банклари томонидан кам фойзли кредитлар ажратиш йўлга қўйилаётгани юртимизда маҳсулот мўллигига эришишнинг мақбул йўлини кўрсатмоқда. Тан олиш керак, халқ бугун анча сергакланди. Кенг кўчалар янада кенгайганидан ишлар имкониятлар янада сарбаланд бўляпти. Буларнинг барчаси Юртбошимиз таъбири билан айтганда, халқ рози бўлса, ишда унум ва барака бўлади.

“Ўзстандарт” агентлиги Бош директори томонидан тасдиқланган режа дастурга асосан республикамизнинг барча вилоятларида, ҳатто олис туманларида ҳам тадбиркорлар, истеъмолчиларнинг муурожаатлари, айрим муаммоларни жойида ҳал этиш мақсадида “Сайёр қабул”лар ташкил этилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққалъа тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган “Сайёр қабул”да иштирок этган “Ўзстандарт” агентлиги “Ахборот маълумот маркази” ДК директори Акбар Даминов учрашувлардан кўзланган мақсад - стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш йўналишларида аҳолига, тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам бериш эканлигини таъкидлади. Эътиборлиси, “Сайёр қабул”да иштирок этган ишбилармонлар, истеъмолчилар бир пайтлардагидек, келдим-кетдим,

қабилда эмас, балки ўзларини қизиқтирган кўплаб саволлар билан ўта фаол иштирок этишди. Масалан, “Шеркамол Савдо Бизнес” хусусий корхонаси директори Шерали Машариповнинг, 2017 йил январь ойида печенье маҳсулотини ишлаб чиқариш ускунасини Хитойдан олиб келиб ўрнатдим. Унга мувофиқлик сертификатини қандай оламан, деган савол билан муурожаат қилган бўлса, хусусий тадбиркор Шоқир Исманлов, ҳозирги кунда стандарт талабларига жавоб бермайдиган газ ҳисоблагичлар кўп учраб тургани, унинг олдини олиш учун газ ҳисоблагич ускуналарини сотиш дуконларини ташкил қилиш таклифи билан чиқди. Тадбиркор Раҳима Жаббарова эса сув сарфи ҳисоблагичларни ҳозирги кунда Нукус шаҳрида давлат қиёсловидан ўтказишаётгани, имкони бўлса Эллиққалъада марказнинг бўлимини ташкил этишни сўради. Учрашув қатнашчиларининг саволлари ҳамда таклифларига масъул мутахассислар жавоб қайтаришди. Йиғилиш сўнггида Акбар Даминов йиғилиш иштирокчиларига миннатдорчилик билдирган ҳолда, бу каби учрашувлар келгусида ҳам ташкиллаштирилиши, аммо соҳага оид саволлар, таклифлар бўлса ҳеч кутиб ўтирмасдан “Ўзстандарт” агентлигининг 150-23-00 ишонч телефонида кўнғироқ қилиш ёки “Ягона портал” орқали билдиришлари мумкинлигини таъкидлаб ўтди.

Худди шу каби учрашув февраль ойида Наманган вилоятининг Чортоқ туманида ташкил этилди. Наманган Стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бошлиғи Абдурашид Убайдуллаев, “Республика синов ва сертификатлаштириш маркази” давлат корхонаси бўлим бошлиғи Хайрулла Абдулхақовлар мазкур учрашувдан мақсад, тадбиркорларга стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш йўналишларида амалий ёрдам бериш эканлиги ҳақида тўхталиб ўтишди. Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини тубдан ошириш, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, экспортда фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш йўналишида мамлакатимизда салмоқли ишлар олиб борилаётгани, жойларда “Ягона ойна”, “Хужжатларни он-лайн қабул қилиш” тизимлари, вазирлик ва идораларда ўрнатилган ишонч телефонлари бизнесни ривожлантиришга, техник тўсиқларни бартараф этишга, шунингдек шаффофликни таъ-





минлашга қаратилгани тўғрисида маълумот беришди. Бу борада “Ўзстандарт” агентлиги томонидан ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилаётгани борасида гапириб беришди. “Наманган синов ва сертификатлаштириш маркази” давлат корхонаси директори Ботиржон Бойбобоев марказ фаолияти, тадбиркорлар учун яратилган қулайликлар ҳақида тўхталиб ўтди. Шундан сўнг тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан масъул мутахассисларга мурожаат қилишди. Жумладан, “Оромгоҳ савдо маркази” МЧЖ ходимининг, макарон маҳсулотини қўшни Қирғизистон Республикасига экспорт қилмоқчимиз. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар хорижий давлатларга экспорт қилинаётганда, мувофиқлик сертификатини олиш мажбурийми, деган саволига марказ мутахассислари Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги 122-сонли қарорининг 3-бўлими, 1-бандига асосан маҳсулотларни чет элга экспорт қилишда сертификатлаштириш мажбурий эмаслигини таъкидлаб ўтишди. “Чорток нон” МЧЖ ходимининг, сертификатлаштирилиши ихтиёрий бўлган маҳсулотларни сертификатлаштириш жараёнида меъёрий ҳужжатдаги барча кўрсаткичлар бўйича синовлардан ўтказиш мажбурийми, деган саволига эса марказ мутахассислари, сертификатлаштириш идораси буюртмачи билан келишилган ҳолда маҳсулотнинг асосий кўрсаткичлари бўйича синовдан ўтказиб, сертификатлаштириш амалга оширилади, деб жавоб беришди.

Фарғона вилоятининг Данғара тумани ҳокимлиги биносида 22 февраль куни ўтказилган “Сайёр қабул”да “Қўкон синов ва сертификатлаштириш маркази” давлат корхонаси директори Маъруф Азимов қатнашчиларга туманда тадбиркорлар ва ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар, бу соҳада “Ўзстандарт” агентлигининг ҳудудий бўлинмалари томонидан кўрсатилаётган хизматлар, услубий ёрдамлар ҳақида гапириб берди.

Фарғона стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бошлиғи Ш. Таиров эса Вазирлар Маҳкамасининг корхоналарда сифатни бошқариш тизимларини жорий қилиш борасида қабул қилган қарорлари мазмун-моҳияти тўғрисида иштирокчиларга тушунтириб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Улугбек Розуқулов томонидан 2014 йил 23 декабрда тасдиқланган “Республика вилоятларидаги ишлаб чиқарувчи корхоналарда 2015-2017 йилларда халқаро стандарт талаблари асосида сифат бошқаруви тизимларини босқичма-босқич жорий этиш жадвали ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни жадаллаштириб, белгиланган муддатларда вилоятдаги корхоналар томонидан тўлиқ бажарилиши лозимлигини, соҳа бўйича муаммолар мавжуд бўлган тақдирда “Ўзстандарт” агентлигининг ҳудудий бўлинмаларига мурожаат этишлари ҳақида маълумот берди. Ўз навбатида корхоналар вакиллари, тадбиркорлар мазкур халқаро тизим ва унинг афзалликлари ҳақида тўхталишди. Йиғилиш қатнашчилари ўзларини қизиқтирган масалалар, айрим саволлар билан масъул ходимларга мурожаат қилишди. Соҳага оид саволларга Фарғона СМБ ҳамда Қўкон ССМ ДК мутахассислари жавоб беришди.

Умуман, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида “Ўзстандарт” агентлигининг масъул ходимлари иштирокида республикамизнинг бир қатор вилоятларида “Сайёр қабул”лар ташкил этилди. Хусусан, Тошкент вилояти ҳокими томонидан тасдиқланган “Маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва экспортёр корхоналар иштирокида ўтказиладиган семинарлар жадвали”га асосан 2017 йилнинг 22 февраль куни Ангрэн шаҳар ҳокимлигида вилоятнинг Оҳангарон тумани, Ангрэн шаҳрида фаолият юритаётган тадбиркорлар, ишбилармонлар, истеъмолчилар иштирокида учрашув бўлиб ўтди.

Шунингдек, жорий йилнинг 17 февраль куни эса Андижон вилоятининг Асака туманида ташкил этилган “Сайёр қабул”да туман ҳокими Т.Шоввозов, “Ўзстандарт” агентлиги Матбуот ва ахборот-таҳлил қотибияти мудирини Абдурауф Расулов, Андижон СМБ ва “Андижон ССМ” ДК раҳбарлари ҳамда тумандаги тадбиркорлар, қўшма корхоналар вакиллари, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари, жисмоний шахслар иштирок этишди. Йиғилишда “Республика синов ва сертификатлаштириш маркази” давлат корхонаси директори Жасур Шукуров “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, маҳаллий ҳокимликларда “Халқ қабулхоналари”, вазирлик ва идораларда виртуал қабулхоналар ташкил этилиб ана шу мақсадга хизмат қилаётгани ҳақида гапириб ўтди.

Жойларда “Ягона ойна”, “Ҳужжатларни он-лайн тарзда қабул қилиш” тизимининг ташкил этилгани, вазирлик ва идораларда ўрнатилган ишонч телефонлари бизнесни ривожлантиришга, техник тўсиқларни бартараф этишга шунингдек, шаффофликни таъминлашга қаратилгани ва бу борада “Ўзстандарт” агентлиги томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилаётгани тўғрисида тўхталиб ўтилди.

Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида маҳаллалар вакиллари, ишбилармонлар иштирокида ташкил этилган учрашув тўлиғича жонли мулоқот тарзида бўлиб ўтди. Хусусан, тумандаги “Алишер Навоий” номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Б.Хидиров, “Ўзстандарт” агентлиги томонидан ташкил этилган “Сайёр қабул”лар халқнинг истеъмол маданияти, ҳуқуқий онги юксалишига хизмат қилаётгани тўғрисида тўхталган бўлса, Самарқанд шаҳар «Нуроний» жамғармаси «Аёллар қаноти» кенгаши раиси Г.Хусаинова, бу каби жонли мулоқотлардан сўнг кўпгина маълумотларга эга бўлгани тўғрисида гапирди. Жойларда ташкил этилаётган “Сайёр қабул”ларда “Ўзстандарт” агентлигининг ҳудудий бошқарма ва марказлари мутахассислари тадбиркорлар ҳамда аҳолига соҳага оид янгиликлар, истеъмолчилар ҳуқуқлари тўғрисида бағавсил сўз юритишди. Барча саволлар, мулоҳаза ҳамда таклифлар, муаммолар юзасидан агентлик Бош директорининг виртуал қабулхонаси, бошқарма ва марказлари “Ишонч телефонлари”, расмий веб-сайтига мурожаат қилишлари мумкинлиги ҳақида тўхталиб ўтишди.

**Фурсатдан фойдаланиб ажиб тароват, дилларга қувонч улашиб ўлкамизга ташриф буюрган Наврўзи олам билан барча ҳамюртларимиз, ҳамкасбларимизни муборак этамиз! Фасллар келинчаги бўлиши сўлим баҳор юртимизга қут-барака, омонлик, файзу - тароват олиб келгани рост бўлсин! Яшариш, янгилашни байрами – Наврўзи олам жаннатмакон юртимизнинг бу гўзаллигию, нафосатига янада қўрқамлик бахш этсин! Бағри кенг, меҳмондўст халқимиз, ҳар дам шу юртнинг ширин ташвиши умидида қўллари дуода бўладиган пиру-бадавлатлат отахону-онахонларимиз соғ-омон бўлишин! Наврўзингиз муборак, азиз ҳамюртлар!**

